

Назар Ҳақимов
Илҳомиддин Рустамов

АБУ АЛИ ИБН СИНО
ФАЛСАФИЙ МЕРОСИНИНГ
ТАЛАБАЛАР АХЛОҚИЙ МАДАНИЯТИНИ
ЮКСАЛТИРИШДАГИ ЎРНИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ




Назар Ҳақимов
Илҳомиддин Рустамов

АБУ АЛИ ИБН СИНО

ФАЛСАФИЙ МЕРОСИНИНГ ТАЛАБАЛАР АХЛОҚИЙ
МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ ЎРНИ

Монография



ТОШКЕНТ
“IMZO PRINT MEDIA GROUP”
2023

УЎК: 17.022.11

КБК: 876.0.02 – Т98

Назар Ҳақимов, Илҳомиддин Рустамов. “Абу Али ибн Сино фалсафий меросининг талабалар ахлоқий маданиятини юксаатиришдаги ўрни”. / *Монография.* – Т.: “Imzo Print Media Group”, 2023. – 140 бет.

Ушбу монография мутафаккир, буюк ватандошимиз, беназир олим Абу Али ибн Сино илмий меросидан талаба ёшлар ахлоқий маданиятини юксаатириш жараёнида фойдаланиш масалларига бағишланган. Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичи кадрлар тайёрлашнинг модернизациялашув жараёни, ватанпарвар, чуқур билимга эга бўлган, ўз касбини мукамал эгаллаган, юқори малакаи ва ахлоқий маданияти юксак мутахассисларга бўлган талабни оширди. Шу мунособат билан мутафаккирлар илмий меросидан олий таълимда, шу жумладан ижтимоий гуманитар, фундаментал фанларни талабаларга ўқитишда фойдаланиш зарурияти вужудга келди. Китоб муаллифлари мутафаккир Абу Али ибн Сино илмий меросида асосланган, инсон тафаккурини янги билимлар билан бойитган пурнамо гоёлар, ёшлар ахлоқий камолотининг назарий, методологик жиҳатларини мустақил ўрганишда фундаментал аҳамият касб этувчи фикрлардан фойдаланишни тадқиқ қилган. Монографияда муаллифлар янги тараққиёт босқичида олий таълим ривожланиш жараёнида фалсафий ва тарихий мерос, жумладан Абу Али ибн Сино асарларининг талаба ёшлар ахлоқий маданияти тадқиқига бағишланган манбаларнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганган. Ушбу монография бакалаврлар, магистрлар, профессор ўқитувчиларга ва олий таълим масалалари билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир

Фалсафа фанлари доктори профессор З.Р.Қодирова

Тақризчилар:

Фалсафа фанлари доктори профессор З. Давронов

Фалсафа фанлари доктори доцент Т.О.Норов

Сиёсий фанлар номзоди доцент Г.Г.Жамалова

Ушбу монография Тошкент Давлат иқтисодиёт университети илмий Кенгашининг 2023 йил 31 январдаги №6 - сонли қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-8862-6-1

© “Imzo Print Media Group”, 2023.

© Н. Ҳақимов, И. Рустамов., 2023.

КИРИШ

Мамлакатимизда илм-фаннинг фундаментал йўналишлари бўйича йирик кашфиётларни амалга оширган мутафаккир Абу Али ибн Сино фалсафий мероси, жамият тараққиётининг янги босқичида талабалар ахлоқий маданиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган илмий манбалардан ҳисобланади. Талаба ёшлар ахлоқий маланиятини юксалтириш ва қарор топишида табиатшунос, файласуф олимлар томонидан яратилган илмий меросни тадқиқ қилиш ва Ўзбекистон янги тараққиёт босқичи даври ижтимоий муаммоларига, жумладан таълим жараёни билан боғлиқ бўлган вазифаларга илмий ечим топиш контекстида ўрганиш зарурати пайдо бўлмоқда. Талаба ёшлар ахлоқий маданияти юксалиши жараёнида долзарб муаммолардан ҳисобланган соғлом турмуш тарзини шакллантириш, маънавий ва жисмоний камолот, илм фанни мукаммал ўрганишга интилишга оид ҳаракатлар уйғунлигини таъминлаш каби масалаларни ҳал этишда буюк мутафаккир аждодларимиз томонидан яратилган асарларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам Ўзбекистонда жамиятнинг стратегик тараққиёти, инсон омили билан бевосита боғлиқлигини Абу Али Ибн Синонинг илмий меросига таянган ҳолда ёшлар ахлоқий маданиятини шакллантиришнинг инновацион усуллари тадқиқи учун ижтимоий зарурият вужудга келди. Шу мунособат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг қуйидаги пурнамо сўзлари муҳим методологик аҳамият касб этади, “Сиз Хоразмийлар, Фарғонийлар, Беруний ва Ибн Сино, Улугбек, Навоий ва Бобурлар, Бухорийлар, Термизийлар авлодисиз. Ана шундай буюк ватандошларимиз яратган бебаҳо билим ва кашфиётлар бугун ҳам бутун инсониятга хизмат қилмоқда”¹.

Инсоният цивилизацияси тараққиётининг ҳозирги босқичида жаҳондаги етакчи университетлар, илмий марказларда Абу Али Ибн

¹ Шавкат Мирзиёев. “Аждодлардан ибрат олиб, ҳаётда мўъжизалар яратишга астойдил интилишингиз керак” Ўзбекистон ёшлари форумидаги иштирокида сўзлаган нутқи. <https://review.uz/oz/post/shavkat-mirziyoyev-ozbekiston-yoshlari-forumida-yoshlar-uchun-muhim-bir-yangilikni-etkazdi>.

Сино таълимоти чуқур ўрганилмоқда. Ибн Сино илмий меросининг жаҳон маданияти, фани, маънавий тараққиётига қўшган бетакрор ҳиссаси, араб ва лотин дунёсига ижобий таъсири, талаба ёшларда фалсафий ва илмий дунёқарашни шакллантириш зарурати, диний ва дунёвий билимлар уйғунлигига оид қарашлари, фалсафий қиссаларининг мазмун-моҳиятининг назарий ва амалий аҳамиятини асослашга доир илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Айниқса, олимнинг инсон руҳияти ва яратувчилик фаолиятининг ўзаро боғлиқликлари ҳақидаги фалсафий қарашлари, инсон шаклланиши ва ижтимоий фаолиги моҳияти ҳамда ижтимоий идеал ва ёшлар ахлоқий, маънавий камолотига доир илмий мероси муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистонда талаба ёшларда ахлоқий маданиятни шакллантириш, хусусан илмий билишга бўлган қизиқишини кучайтиришда дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган олимларимизнинг илмий меросидан самарали фойдаланиш орқали «жаҳон цивилизация-сига бебаҳо ҳисса қўшган аждодларимизнинг бой маданий меросини чуқур ўрганиш асосида ёшларнинг онгу тафаккурини шакллантириш» мамлакатимизда устувор вазифа ҳисобланади¹. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда янги стратегик ижтимоий ривожланиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши, ёшларнинг билим олиши ва ҳар томонлама баркамол шахс сифатида шаклланиши жараёнини ўрганиш зарурияти шаклланди. Таъкидлаш лозимки, бундай вазиятда инсон камолоти ва сифатли таълим учун барча ресурслар сафарбар этилаётган ҳозирги босқичда ёшлар ахлоқий маданиятини шакллантиришда Ибн Синонинг бой илмий меросини илмий-фалсафий нуқтаи назардан чуқур ўрганиш ва олинган ҳудосаларни амалиётга татбиқ этиш методикасини такомиллаштириш ижтимоий гуманитар ва фундаментал фанлар кафедралари профессор ўқитувчиларининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Ушбу муҳим вазифа ижросини таъминлаш жараёни учун мазкур монография назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

¹ Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.04.2018 йилдаги ПФ-5416 Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.04.2018 й., 06/18/5416/1079-сон, 13.12.2018 й., 06/18/5597/2300-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги Фармонида “Буюк аждодларимизнинг бой илмий-маънавий меросини кенг тарғиб қилиш мақсадида юртимиздан етишиб чиққан алломалар қаламига мансуб 100 та асарнинг халқчил таржимасини амалга ошириш, улар асосида илмий ва оммабоп рисолалар яратиш” вазифаси илгари сурилган.¹ Таъкидлаш лозимки мамлакат раҳбарининг “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида ҳам мутафаккирлар илмий меросининг кадрлар тайёрлашдаги аҳмияти қайд этилган. “Аждодларимизнинг армонлари ўша даврда Имом Бухорий, Имом Термизий, Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Аҳмад Фарғоний, Абу Мансур Мотуридий, Абу Ҳамид Устурлобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби мутафаккир боболаримиз ҳаёти ва фаолияти, асарларида ўз талқинини топган адолат ва адолатпарварлик ғояларида мужассам бўлди”².

Абу Али Ибн Синонинг фалсафий таълимотини тадқиқ қилиш бўйича ўзбекистонлик ва хорижий олимлар муайян илмий ишларни амалга оширганлар. Таъкидлаш лозимки, мутафаккирнинг илмий методологик қарашлари ва унинг жаҳондаги фалсафий фикрлар тараққиётига қўшган муносиб ҳиссасидаги ўрни масалалари тадқиқотчилар томонидан маълум даражада ўрганилган. Мутафаккир ижоди, унинг фалсафий таълимотини тадқиқ қилган олимларнинг илмий ишларини бир неча гуруҳга бўлиб ўргандик.

Ўзбекистонда Ибн Синонинг кўп жилдали “Тиб қонунлари” асари, “Уржуза” тиббий мажмуаси,³ “Фалсафий қиссалар”и (“Ҳайй ибн Яқзон”, “Саломон ва Ибсол”, “Тайр” қиссалари), бу қиссаларнинг шарҳи,⁴ Беруний ва Ибн Синонинг физика ва астрономияга доир айрим

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги Фармони. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон)

² Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тошкент. “Ўзбекистон” 2022 й. 16 - бет

³ Ибн Сино. Уржуза. Ш.Шоисломов таржимаси. Кириш сўз муаллифи Ш.Шоисломов. Т., 1972.

⁴ Абу Али ибн Сино. Фалсафий қиссалар (“Тайр қиссаси”, “Саломон ва Ибсол”, “Ҳайй ибн Яқзон”). Т. Ўзбекистон давлат бадий адабиёт нашриёти. 1963. Б. 1-48.

асарларидан парчалар нашр этилган¹. Шуниси эътиборга лойиқки, буюк сиймо Ибн Синонинг шаклан жуда кичик ҳажмдаги фалсафий қиссаларида инсон фаолиятига оид илмий фалсафий қарашлар мавжуд. Такидлаш лозимки, мазкур фалсафий қиссаларни биринчи марта Ибн Синонинг ўзи қисқа шарҳ қилган.²

Мутафаккир Ибн Синонинг фалсафий мероси жуда чуқур, кенг кўламли бўлиб, унинг фалсафий асарлари ўзбекистонлик файласуф олимлар томонидан ўрганилган. Бу соҳада фақат профессорлар Ҳ.Алиқулов, Р.Носиров, А.Зоҳидий, А.Шарипов, М.Шарипов, Ҳ.Ҳамидованинг айрим тадқиқотларини кўрсатиш мумкин. Лекин, Ибн Синонинг "Ҳайй ибн Яҳзон" (Уйғоқ ўғли Тирик), "Саломон ва Ибсол", "Тайр қиссаси" асарлари маҳсус ўрганилмаган. Бизнингча, бу асарларни ўзбек файласуф олимлари томонидан чуқур ўрганилмаганлигининг сабаби - уларни Ибн Синонинг адабий, бадний ижоди деб ўйлаб, уларни ўрганиш филологларнинг иши деб ҳисоблайдилар. Лекин, бу асарлар атоқли шарқшунос Абдусодиқ Ирисовни истисно этганда, филологлар томонидан ҳам, фан тарихчилари томонидан ҳам тадқиқ қилинмаган.

Абу Али ибн Синонинг фалсафий меросини ўрганишда хорижлик файласуф олимлар муайян ишларни амалга оширган. Буюк ватандошимиз Ибн Сино ижодий меросининг турли жиҳатлари, Шарқ ва Ғарб олимлари томонидан ўрганилган Дамашқда Заҳириддин ал-Байҳақийнинг "Тарихи ҳукамо ал-ислом", Техронда Сайид Нафисийнинг "Пури Сино", Мисрда Ибн Абу Усайбианинг "Уйун ал-анбо фи табақат ал-атибобо" Тиб олимлари ҳақида хабарлар булоғи китобида, Техронда Яҳё ал Маҳдавийнинг "Ибн Сино асарлари фахрости", Душанбеда Абу Убайд Жужжоний тартибга келтирган Ибн Сино ўзи ёзган "Таржимаи ҳол" (Автобиография)си ва "Донишнома" таркибига кирувчи "Мантиқ", "Тиббиёт", "Ат-Танбеҳ вал-ишпорат" асарлари нашр қилинган ва қисман тадқиқ этилган.³

¹ Ўзбекистонда прогрессив ижтимоий-философий фикрлар тарихига доир. Т., ЎзФА. 1959.

² Хусайнзода Ш., Шарифов Х. Мақоми Ибн Сина дар шеъру адаби тожик.

Душанбе. "Маориф", 1985, сах. 1-116.

³ Ирисов А. Ҳаким ибн Сино. Т. Ўзбекистон. 1922. Абу Али ибн Сино (Авиценна). Избранние произведения. Том 1. Душанбе. "Ирфон", 1980. М. Диноршоев. Ибн Сино ва его философские

Грузияда шарқшунос олим С.Б. Серебреков аллома Ибн Синонинг "Рисола фи-л-Ишқ" асарининг арабча факсимилесини, русчага таржимасини ва ўзининг шарҳларини нашр этган.¹

Аслида қадимги юнон ривоятларига «Ибн Исҳоқ томонидан (Ҳорун ар-Рашид даврида) ва Ибн Суланувчи "Саломон ва Ибсол" қиссаси Ибн Синодан аввалроқ, Хунайн иинодан сал кейинроқ Муҳийиддин ибн Арабий томонидан ёзилган Ибн Синонинг "Ҳайй ибн Яқзон" қиссасидан илҳомланган Андалузия (Испания) мутафаккири Ибн Туфайл худди шу номда фалсафий қисса ёзган.

Россиялик шарқшунос олим С.Б.Серебреков Ибн Синонинг "Рисола, фи-л-Ишқ" асарини рус тилига таржима ва тадқиқ этишда Абу Наср Форобий, Газзолий, И.Ю.Крачковский, Б.Ғ.Гафуров, Т.Қори Ниёзов, И.М.Мўминов, С.Н.Григорян, Т.Райнов, А.Қосимжонов, И.Брагунский, А.Мец, ва бошқаларнинг асарларига мурожаат қилган.² Айни вақтда С.Б.Серебряков "Рисолафи-л-Ишқ" асаридаги фалсафий терминлар луғатини тузган. С.Б.Серебряков тадқиқотида Ибн Синонинг ўз асарларига кам мурожаат қилган. У ўз ишида валий аёл Робия Адабия билан Абул-Аоло ал-Маарий фикрларидан фойдаланган.Германиялик шарқшунос олим Эрнест Блох ўз тадқиқотида Ибн Синонинг фалсафий асарларини янги арастучилар-перипатетикалар сифатида кўриб чиқиши эътиборга лойиқ.³

Яна бир хорижлик шарқшунос олим М.А.Ф.Мехрен 1844 йилда Лейденда, сўнгра Қоҳирада "Рисола фи-л-Ишқ"нинг танқидий матнини

воззрения. Шу китобда Ш.Хусейнзода, Ҳ.Шарипов. Мақоми ибн Сино. Дар шеору адаби тожиқ. Душанбе. "Маориф", 1985.

¹ Серебряков С.Б. Трактат ибн Сины о любви. Русча ва арабча матни ва тадқиқоти. Тбилиси. 1976, стр. 5-176.

² Аль Фараби. Философские трактаты. Алма-Ата. 1972. Аль-Газали. Ихья оулуум-ад-дан. 4 том, Қоҳира нашри. (Йил кўрсатилмаган). Крачковский И.Ю. Избр. Сочинения, том 1. М. - Л. Изд. АН СССР, с. 196; Гафуров Б. История таджикского народа. М. 1950, с. 69. Григорян С.Н. Прогрессивная философская мқсло в странах Ближнего и Среднего Востока. М. Изд. Соц. Экономич. Лит. 1961. с. 18. Райнов Т.И. Великие учение Узбекистана. IX-XI в.в. Т. Изд. ЎзФАН, 1943, стр. 21. Т.Қори Ниёзов, О културном наследии узбекского народа. Т. ЎзФАН. 1960. Қосимжонов А. Абу Наср ало Фараби. М., "Мқсло, 1982. Адам Меҳ. Мусулманский Ренессанс. Сагадеев А. Ибн Сина. Мқсло, 1980. Брагинский И. Двенадцато миниатюр (Рудаки, Фирдауси, Ибн Сина, Насир Хусрау, Гургани, Ҳайям, Низами, Руми, Саади, Ҳдфиз, Ходжаңди, Ажам. М. ГИХЛ, 1966, с. 92.

³ Ennst Bloh. Avicenna und die Aristotelische Linke. Берлин. 1963.

нашр қилдирган.¹ Инглиз шарқшунос олими Э.Л.Факенвейм бу асарнинг инглизча таржимасини нашр эттирган.²

Европа қитаъси мамлакатлари шарқшуносларининг Ибн Сино фалсафий меросини ўрганиш соҳасида қилган хизматларини эътироф этиб, таъкидлаш лозимки, улар кўп ҳолларда Шарқ тасаввуф фалсафасини етарли англамай иш кўрадилар ва барча фалсафий ғояларни Афлотун, Арасту, Плотон ва бошқа юнон файласуфларига олиб бориб боғлайдилар. Тўғри, Мухаммад ал-Форобий, Абу Райхон ал-Беруний, Ибн Сино, Ғаззолий, Ибн Рушд, Ибн Туфайл ва бошқа Шарқ алломалари Қадим юнон фалсафаси мазмунини яхши билганлар. Хусусан, Ибн Сино ижодий меросида Афлотун ва Арасту каби мутаффакирлар асарларида таҳлил қилинган, фалсафий масалаларга доир асарлар ёзганини кўрамыз. Мантиқ, физика, метафизика, психология, руҳшуносликка доир фалсафий муаммолар Арастуда ҳам, Ибн Сино таълимотида ҳам теран кўриб чиқилган. Баъзиларининг номлари ҳам ўхшайди. Хусусан (Ибн Синонинг "Аш-Шифо" асари 22 китобдан иборат. 1. Мантиққа кириш (ёки "Исоғучи", Порфирий асарининг шарҳи). 2. Маъқулот (Категориялар). Ал-Иборат (Ҳерменевтика, талқин, интерпретация). 4. Қиёч (Саллогизм). 5. Бурҳон (Далил, исбот. Аналитика). 6. Ал-Жадия (Диалектика). 7. Сафсата (Софистика). 8. Ал-Ҳатоба (Риторика). 9. Аш-Шеър (Поэтика). "Аш-Шифо"га яна мантиққа доир 9 китоб, тиббиёт-физикага оид-8 китоб, риёзат-математикага оид 4 китоб кирди.

Машҳур фалсафий манба "Ат-Танбеҳ ва-л-Ишорат" - Ибн Синонинг муҳим фалсафа масалалари талқин қилинган энг салмоқли асарларидан бири. Бу асар икки қисмдан иборат. Биринчи қисм "Мантиқ" асари Ибн Синони юксак қадрлаб, ижод қилиш учун барча моддий ва маънавий шароитларни ҳозирлаб берган, бувайҳийлар сулоласига мансуб Абу Жаъфар Мухаммад ибн Душманзиёр - амир Алоуддавлага бағишланган. Бу асарнинг биринчи қисмида "Мантиқ" фанининг қонуни-қоидалари баён қилинган. Асарнинг иккинчи қисми метафизикага бағишланган бўлиб, уч бўлимдан иборат: 1. Табиёт (физика). 2. Илоҳиёт

¹ Mehen M.A.F. Ибн Сино. Тасавурий рисоалар. Лейден, 1894 (Арабча ва французча матни).

² Fackenheim Э.Л. Рисола фи-л-Ишқ. Инглиз тилида.

(Метафизика). 3.Тасаввуф (Сўфийлик тарихи ва назарияси) Ибн Сино умрининг охириларида 1035/936 йилларда ёзган бу асарида талқин қилинган ақлий, ахлоқий, диний, фалсафий, ижтимоий масалалар жуда муҳим бўлгани сабабли бир неча асрлар давомида унга эликтача шарҳ ёзилган. Бундай шарҳлардан энг муҳимлари Фахриддин Розийнинг "Лубобул-Ишорот" асари, яна бири Насиридин Тусийнинг "Шарҳ-ул-Ишорот" асаридир.

Ибн Синонинг "Ат-Танбеҳ ва-л-Ишорот" асари арабчадан Абдусалом Маҳмуд ибн Аҳмад ал Форсий томонидан форс тилига, А.М.Гуашон томонидан француз тилига, Тожикистонлик олимлар М.Диноршоев, Н.Раҳматиллаев ва Т.Мардоновлар томонидан рус тилига таржима қилинган.

Ибн Синонинг "Ат-Танбеҳ ва-л-Ишорот" асарида кўрилган асосий масалалар: "Мантиқ" қисмида - тасаввур, тушунча, тасдиқ, ҳукм маъносидаги фикр. Тасаввур, тушунча ҳам, тасдиқ ҳам икки ҳил бўлади. 1.Ақл билан билинадиган. 2. Аввалдан маълаум билим орқали янги тушунчани билиш.

Бизнингча, Ибн Синонинг "Ҳайй ибн Яқзон", "Саломон ва Ибсол", "Тайр" қиссаларининг фалсафий моҳияти алломанинг "Рисола фи-л-Ишқ" асари билан узвий боғлиқдир. Чунки, Ибн Сино "Ишқ рисоласи"да бутун олам ва инсон гўзаллигининг фалсафий моҳиятини жуда чуқур ёритиб берган. Бу асардаги гоёлар Афлотуннинг фақат идеалар, гоёлар абадий бўлиб, моддий мавжудотлар гоёларнинг соясидир, деган асосий фалсафий фикрини инкор этади. Ибн Сино Вожи бул вужуд яратган оламнинг барча мавжудотлари ўз яратувчисини севади, чунки ул зотсиз булар вужудга келмас эдилар, деган гоёни ҳар томонлама асослаб беради.

Шу билан бирга юқоридаги тадқиқотларда яхлит равишда Абу Али Ибн Сино фалсафий таълимотининг мамлакатимизнинг янги тараққиёт босқичида демократик, ижтимоий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, ёшлар ахлоқий маданиятини юксалтириш жараёнида, айниқса рақаботбардош кадрлар тайёрлаш ишида муҳим илмий манба сифатида самарали фойдаланиш, методик жиҳатлари ўрганиш амалий аҳамият касб этади.Жамиятнинг янги тараққиёт босқичи даврида Ибн

Сино гнесологик таълимотининг моҳияти ва оламни идрок этиш жараёнига оптимистик ёндашуви натижасида талаба ёшлар онгида ўзгариш юз бериб, илмий дунёқарашнинг шаклланишига, муаммоли вазиятларда оқилона йўл топа олишига хизмат қилиши асослаб бериш зарурияти вужудга келди.

Шунингдек, Ибн Сино асарларидаги ёш авлод вакилларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, руҳ ва тананинг уйғун ривожланиши каби ғоялар ёшлар тафаккурига ижобий аксиологик таъсир кўрсатиши сабабли замонавий деструктив ёндошувларга нисбатан қарши позициянинг мустаҳкамланиб боришига хизмат қилишини аниқлаш ёшлар ахлоқий маданияти юксалиши жараёнида муҳим роль ўйнайди. Мутафаккирнинг “Донишнома” ва “Соломон ва Ибсол” фалсафий асарлари ёшларда фуқаролик позицияси шаклланишининг ижтимоий-фалсафий аспектаари бўлган Ватанга садоқат, бурч ва садоқат туйғуларининг ривожланишига таъсир кўрсатишини очиб бериш олий таълимдаги таълим жараёни билан уйғундир. Мутафаккир олимнинг илмий-фалсафий ижоди, мураккаб ҳаёт йўли ўзида ҳаётий қарама-қаршиликлар ва ҳаёт синовларини мужассам этганлиги ҳамда ушбу жараёнлар диалектикасининг моҳиятини асослаб берилиши натижасида талаба ёшлар тафаккурининг интеллектуал юксалиш жараёнига мотивацион таъсир кўрсатади.

Ибн Сино таълимотининг жамият янги тараққиёт босқичидаги амалий аҳамияти шундаки, унда баён қилинган масалаларнинг ёшлар ахлоқий маданиятини юксалтириш, пировард натижада рақоботбардош кадрларнинг янги корпусини шакллантиришда илмий асос, назарий манба сифатида самарали фойдаланиш мумкин. Ибн Сино илмий фалсафий таълимоти, мутафаккирнинг талаба ёшлар камолотига оид мустақил хулосалари, тавсиялари ижтимоий гуманитар фанларни ўқитиш тизимидаги тегишли мавзулардан ўқув методик мажмуалар тайёрлашда ҳам муҳим илмий манба сифатида хизмат қилади.



*Ибн Сино фалсафий
таълимоти талаба ёшлар ахлоқий
маданиятини исқалтифишидаги
илмий назарий танба*

❁ 1.1. ❁

**Ибн Сино гносеологик назарияси яратилиши
давридаги ижтимоий-маданий жараённинг
миллий тарихимизда тутган ўрни**

Абу Али Ибн Сино мамлакатимиз фалсафа фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшган буюк файласуф олимлар қаторига киради. Мутафаккир ўзи яшаган мураккаб даврга қарамасдан фалсафа фанининг ривожланишига муносиб тўхфа қила олган, оламшумул аҳамият касб этадиган фалсафий асарлар ёзиб қолдирган. Алломанинг фалсафий таълимоти мазмуни ва моҳиятини, ижтимоий фалсафий қарашларини тадқиқ қилишда у яшаган даврда Мовароуннаҳрдаги ижтимоий маданий муҳим масалаларига эътибор бериш лозим. Таъкидлаш зарурки, Абу Али Ибн Сино асарларининг аксарияти фалсафа, мантик, психология, одоб-ахлоқ ва ижтимоий муаммолар ечимига, шу жумладан ёшлар камолотининг назарий асосларига бағишланганлиги билан ажралиб туради. Алломанинг фалсафа фани учун назарий - методологик аҳамият касб этувчи гоёлари замирида барча мавжудотлар ва нарсаларнинг асосчиси Тангридир, деган хулосаси ётади. Ибн Сино ижоди ва фалсафий таълимотида Тангрининг ягона, мустақиллиги, унинг яратувчанлиги, фаолиятида камчиликлар ва салбий нуқсонларнинг учрамаслиги қайд қилинади. Буюк файласуфнинг ижтимоий гуманитар фанлар ривожига қўшган асосий ҳиссасидан бири унинг фалсафа фанининг назарий ва амалий аҳамиятига, яъни назарий ва амалий фалсафага бўлиб ўрганишни тавсия қилганлигидир.

Ибн Сино фалсафий таълимотининг муҳим қисмидан бири унинг

мантиқ фанини билиш, яъни гносиологиянинг асосий воситаси, деб ҳисоблаганлиги муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади. Фалсафанинг асосий қонуниятларини тадқиқ қилган олим, назарияни илмий билиш усуларини қўллаб амалиёт, яъни борлиқдаги содир бўладиган ҳодисалар моҳиятини муайян ижтимоий шароитдаги ҳолати билан узвий боғлиқлигини асослайди, тушунтиради. Шунинг учун ҳам аллома фалсафий қарашларида кузатув ва тажрибага асосланган хулоса, олинган илмий натижалар муҳим ўрин эгаллайди.

Абу Али Ибн Сино инсон камолоти масалаларини ўзининг фалсафий талимотида асосий ўринга қўяди. Инсоннинг соғлиги ақли теранлиги, ижтимоий фаолияти уйғун бўлиши унинг жамиятдаги ўрнини юксак қилишини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлайдики, “Маълумки, қадимий маданият ва цивилизациялар чорраҳаси бўлган юртимиз заминидан ўрта асрларда минглаб олиму уламолар, буюк мутафаккир ва шоирлар, азиз-авлиёлар етишиб чиққан. Уларнинг аниқ фанлар ва диний илмлар соҳасида қолдирган бебаҳо мероси, бутун инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланади”¹. Қадимги юнон файласуфи Аристотелнинг Ўрта Осиёдаги издошларидан бири Абу Али Ибн Сино Шарқ перипатетиклари-равоқипонлари сафига Абу Наср Форобий фалсафаси орқали кириб келди. Лекин Абу Али Ибн Сино Аристотель ва Абу Наср Форобий фалсафаси билан танишгунга қадар Бухоро шаҳри илмий-ижодий муҳитида ёшлигидан ҳар томонлама чуқур илмий билимлардан таҳсил олган, тиббиёт илмини эса Абу Бакр Розий ва бошқа илмий манбаларидан ўрганибгина қолмай, амалий тажриба синовлар натижасида янги хулосалар ҳосил қилган. У даврда Шарқда расм бўлган таълимга кўра, жуда ёшлигидан адаб илмининг ўн икки соҳаси билан яхши танишган.

Ўрта асрлардаги адаб илмининг соҳалари ўрганиладиган сарф (морфология, наҳв синтаксис), баён, иншо, луғат, расму-луғат (ёзув санъати, хаттотлик), муҳозара (эстетика, завк, ҳузур берувчи, мусиқа ва

¹. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиста Мурожаатномаси. <http://ngo.uz/old/index.php/novosti/574-zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirzijojevning-olij-mazhlisga-murozhaatnomasi>.

бошқалар), шеър фарзи ва нақди (танқидчилиги, яъни шеърни баҳолаш, шеършунослик ёки поэтика), қофия илми ўрганилган. Бу фанларнинг сакизтаси усул, яъни асллар (асосий илмлар) ва тўрттаси фуруо, адаб илмларининг тармоқларини ташкил қилган.¹ Таъкидлаш лозимки, Шарқда, мумтоз таълим, инсон тарбиясида умумтаълим мактабидаёқ ёшларга аниқ, махсус илмлар геометрия, астрономия, физика, химияни ўрганишидан аввал филология асослари ўргатилган.

Атоқли файласуф олим академик Мубин Баратовнинг ёзишича, Абу Али ибн Сино жаҳон маданиятига буюк ҳисса қўшган машҳур қомусий олим – табиатшунос, файласуф, тиббиёт илми донишманди, астроном, математик мусиқашунос, ёзувчи ва шоир эди². Ибн Сино Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад ал-Хоразмий, Ал-Фаргонийлар қаторида Ўрта Осиё халқлари маданиятини ўрта асрлар шароитида дунё маданиятининг олдинги қаторига кўтарган буюк мутафаккирлардан биридир. Ибн Синонинг ёшлиги ва йигитлик чоғлари Бухоро шаҳрида ўтди. Сомонийлар давлатининг пойтахти бўлган Бухоро шаҳри узоқ, тарихий илм-маърифат анъаналарига эга бўлиб сомонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида илм-фан маркази эди.

Шарқ илм-маърифат анъаналарига эга бўлган сомонийлар давлатининг пойтахти Бухоро шаҳри бутун Мовароуннаҳрда, Хуросонда, Ўрта ва Яқин Шарқдаги машҳур фан-маданият марказларидан бирига айланган эди. Бухоро шаҳрида бадий хунармандчилик, заргарлик, бўёқ ва қоғоз тайёрлаш, ўймакорлик, меъморлик ривожланган. Шунингдек, тиббиёт, фалсафа, санъат, тарих, ҳуқуқшунослик илмлари билан шуғулланувчи уламо, араб, форс ва туркий тилларда ижод қилувчи файласуф олимлар, адиблар ва шоирлар, фундаментал фанлар вакиллари тўпланган эди.

Ибн Сино яшаган даврда юртимизда илм-фан юқори чўққига кўтарилди. Табиий фанлар соҳасида Абу Райҳон Беруний, Абу Саид Масиҳий, Абу Наср ибн Ироқ каби буюк сиймолар ижод этдилар. Ибн

¹ Алибек Рустамий. Адиблар одобидан адаблар. – Тошкент: Маънавият, 2003. – Б. 10-11.

² Баратов М. Абу Али ибн Сино-буюк энциклопедист олим ва файласуф. – Тошкент: Фан, 1980. – Б.6-7.

Мискавайҳ (вафоти 1030), Абу Мансур ас-Саолибий (961-1038) каби олимлар фалсафа, тарих ва адабиёт соҳасида қалам тебратиб, йирик илмий асарлар яратдилар. Ибн Сино фалсафий таълимоти яратилган даврда араб, форс тилида чоп этилган асарлар тадқиқотчилар томонидан ўрганилган ва бу давр маънавий ҳаёти ҳақида мустақил бажарилган илмий ишлар амалга оширилган.

Таъкидлаш лозимки, бу даврдаги файласуф олимлар ижоди равнақида энг муҳим илмий адабий марказ бўлган сомонийлар пойтахти Бухоро шаҳрида шаклланган ижодий муҳит муҳим роль ўйнаган. Фалсафий олим Ас-Саолибий ўз тазкирасида Бухоро шаҳрида яшаб ижод қилган шоирлар ҳақида қуйидагича маълумот беради: “Бухоро сомонийлар (ҳукмронлиги) даврида шон-шухрат макони, салтанат каъбаси ва замонасининг илғор кишилари жамланган, ер юзи адiblарининг юлдузлари порлаган ва ўз даврининг фозил кишилари йиғилган (жой) эди”¹. Сомонийлар форс тилида ижод этган шоирларни кўпроқ рағбатлантисалар ҳам, пойтахт Бухорода ва саройда араб тилида ижод қилган ижодкорлар ҳам яшаганлар. Файласуф олимлар, адiblлар турли сабабларга кўра араб ҳалифалигининг илмий маркази ҳисобланган Бухоро шаҳрига бошпана қидириб ва илмий тадқиқот ишларини давом эттириш учун келганлар. Ас-Саолибий ўз асарида қуйидагича ёзади: «У ерда (яъни Бухорода) Абу-л-Ҳасан ал-Лаҳҳом, Абу Муҳаммад ибн Матрон, Абу Жаъфар ибн ал-Аббос ибн ал-Ҳасан, Абу Муҳаммад ибн Абу-с-Сийоб, Абу Наср ал-Ҳузаймий, Абу Наср аз-Зарифий, Ражо Ибн ал-Валид ал-Исфаҳоний, Али ибн Хорун аш-Шайбоний, Абу Исҳоқ ал-Форсий, Абу-д-Қосим ад-Динаварий, Абу Али аз-Завзаний ва улар (яъни сомонийлар) хизматида бўлган энг фозил муҳожирлар тўпланишган эди. Файласуф олимлар у ерда йиғилишгач, илмий мавзудаги суҳбатлари уларни бир-бири билан яқинлаштирган эди. Файласуф тадқиқотчи Ас-Саолибийнинг “Йатимат ад-дахр” асарида Бухоро шаҳрида яшаган 47 та арабийнавис шоир, адiblлар, файласуфлар ҳақида қимматли маълумот берилиб, уларнинг асарларидан айрим намуналар келтирилган. Бу

¹ D.Murtazayev. O'rtasiy xalqlari hayotida IX–XII asrlarda yuz bergan Uyg'onish (Renessans) davri. ajdodlarimizning jahon sivilizatsiyasiga qo'shgan hissasi. Navoiy, 2016. 4-b

шеърый парчалар қасида, ҳажвиёт, васф ва бошқа жанрларда ёзилган ижод намунасидир. Бухоро шаҳрида яшаган ва ижод қилган шоирлар, ёзувчиларнинг ҳикоялари орасида сомонийлар давлати амиралари, вазирлар ва бошқа амалдорлар фаолияти танқид қилинган ҳажвий шеърлар ҳам учрайди. Ўз тақдири, қашшоқлик ва замонанинг, яшаб турган жамиятдаги нобопликдан шикоят қилиб ёзилган мисралар ҳам мавжуддир.

Ўз замонасида фалсафий мазмундаги шеърлар битган шоирлар ичида энг машҳури Абу-л-Ҳасан ал-Лаҳҳом эди. Француз шарқшунос олими Барбье де Менар (1826-1908) уни “Сомонийлар даврида Мовароуннаҳрдан чиққан Ювенал” деб атаган эди. Мовароуннаҳрда яшаган, ижод қилган ўша даврдаги шоирлардан бирортаси ҳажвиёт бобида ал-Лаҳҳом билан тенглаша олмаган. Унинг ҳажвиётидан вазир, амалдорлар, замондоши бўлган баъзи шоирлар танқид қилинган. Жумладан, сомонийлар давлати вазири Абу Али ал-Балғамий ҳақида у шундай ёзган эди: “Ал-Баламий вазирлиги тўнтарилиши, ўзи эса ҳаробаликка осилиб турган қулф кабидир. Вазирлиги даврида у ҳокимлар, мулозимлар ва котиблар ҳурматиға риюя қилмади. Унинг вазирлиги ҳамма олижанобиклар юзини тўнтарди. У ўзининг айёрлиги, шафқатсизлиги туфайли боши дорға осилиши лозим бўлган энг муносиб кишидир”.

Мутафаккир Ибн Синонинг ватандоши X аср охири ва XI аср бошларида яшаган шоир, файласуф олим Абу-л-Қосим аш-Шажарий ҳаёти мамлакатда сиёсий нотинчлик ҳукм сурган, сомонийлар сулоласи ҳар томонлама инқирозга учраб, газнавийлар давлати тизими тикланаётган даврга тўғри келди. Шунинг учун унинг бутун умри сарсон-саргардонликда, сиёсий бошпана излаш билан ўтди. У ўз асарларида қашшоқлиги, бахтсизлиги ва инсон сифатида тақдиридан шикоят қилади. Ўз давридаги ҳукмронларнинг адолатсизлиги, жамиятдаги ҳақсизлик, доимий ҳукм сурган ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар ҳақида ёзади. Ижодкор таъкидлайдики, “ўзгаларнинг эшиги ёнида яхшиларға атаб намат чодирлар тикилган, сенинг уйингда, эса фақирлик ва бахтсизликдан бошқа нарса бўлмаса. Одамлар меҳмонларинг учун на

❧ МУНДАРИЖА ❧

КИРИШ.....	3
I Боб. Ибн Сино фалсафий таълимоти талаба ёшлар ахлоқий маданиятини юксалтиришдаги илмий назарий манба	
1.1. Ибн Сино гносеологик назарияси яратилиши давридаги ижтимоий-маданий жараённинг миллий тарихимизда тутган ўрни.....	11
1.2. Ибн Сино ижтимоий фалсафий қарашлари талабалар ахлоқий маданиятини юксалтиришдаги муҳим илмий манба сифатида	23
II Боб. Ибн синонинг инсон ижтимоий фаолияти ва руҳий ҳолатига оид қарашларининг талаба ёшлар камолотидаги роли	
2.1. Ибн Синонинг инсон руҳияти ва ижтимоий фаолиятидаги ўзаро уйғунлик ҳақидаги таълимотининг рақоботбардош кадрлар тайёрлашдаги ўрни	43
2.2. Ибн Синонинг инсон шаклланиши ва жамиятда фаоллиги ҳақидаги қарашларининг малакали кадрлар тайёрлашдаги аҳамияти	55
III Боб. Ибн Сино фалсафий таълимотида ёшлар ахлоқий камолоти таснифининг жамият янги тараққиёт босқичидаги ўрни	
3.1. Ибн Синонинг ижтимоий идеал ва ёшлар маънавий камолотига доир фалсафий меросидан олий таълим жараёнида фойдаланиш	69
3.2. Ибн Сино илмий меросининг талаба ёшлар ахлоқий маданиятини юксалтиришдаги ўрни	89
ХУЛОСА.....	126
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	130